

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Техник таъминоти кафедраси  
катта ўқитувчиси Б. Юнусов*

«Буюк ипак йўли ўткан мамлакатимиз қадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистрал йўллар орқали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникацияси ва транспорт салоҳиятига эга».[1]

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти,

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда бешта давлатнинг бири бўлиб, унинг асосий қисми Турон пастекислигида жойлашган. Республиканинг шимолий-шарқи ва жануби бўйлаб Тяньшань тоғи тармоқлари ястаниб кетган.

Нознеъматларга бой бу ўлканинг бир пайтлар яшаган меъморларию хунармандларининг тошга, металл ва гулларга битган асарлари узок асрлардан бизга етиб келган, бойлиги ва маъмурчилиги тўғрисидаги шон-шухрати дунёнинг узок-узок бурчакларига етиб борган.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги асосий савдо йўли бўлиб хизмат қилган Буюк ипак йўлининг Бухоро, Самарканд, Хива шаҳарлари ҳозирги пайтда инсониятнинг маданий бойлиги бўлиб, улар фақат ўзларига хос бўлган кўчаларининг, майдонларининг, карвон саройлари ва бозорларининг дунёда йўқ хусусиятлари билан Осиё шахрининг алоҳида муҳитини сақлаб қолган. Бу ерда буюк мутафаккир ва олимлардан Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбеклар яшаб, ижод қилган.

Бугунги Ўзбекистон – бозор ислохотлари йўлидан бораётган, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва саноат имкониятига эга бўлган давлатдир.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларининг барқарор ишлашини ривожланган транспорт тизимининг асосий қисми бўлган темир йўл транспорти таъминлайди.

Ўзбекистон темир йўлининг тарихи 1874 йилдан бошланади, бу пайтда махсус комиссия Оренбург – Тошкент темир йўл тармоғини куриш зарур деб топди. Бироқ кейинчалик қарор ўзгартирилди – биринчи темир йўл Тошкентни Касбий денгизни шарқий соҳили билан боғлаши керак эди. Каспий орти темир йўлининг қурили 1880 йилнинг ноябр ойида бошланган эди.




Беш йилдан сўнг қурувчилар Ашхабодга, 1886 йилда эса Чоржўйга етиб келди. 1888 йилнинг май ойида, Амударё устидан тахта кўприк қурилгандан сўнг, поездлар Самарқандгача юра бошлади. 1889 йилда темир йўл Тошкентга етиб келди. Айна пайтда темир йўлнинг Урсатьевская (Ховос) станциясидан



Фарғона водийсигача бўлган қисми ҳам қурилиб битган эди. 1900 йилда Тошкент – Оренбург темир йўлларининг қурилиши бошланди ва 1906 йилда ишга тушди. Бу йил Ўрта Осиёни тўғридан-тўғри Марказий Россия билан боғлади.

Иккинч жахон уруши йилларида темир йўл алоҳида аҳамият касб этди, у Кавказни мамлакатнинг марказий қисми билан боғланишини таъминлади.



Йўлни ўтказиш имкониятини янада ошириш учун чора тадбирлар кўрилди. Қисқа вақт ичида камёб ашёлар ва захира қисмларни ишлаб чиқариш учун 9 та чўян қуйиш цехлари қурилди. Уруш йилларида Тошкент – Ангрэн темир йўли қурилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон темир йўлчилари мамлакат халқ хўжалигини тиклашда фаол қатнашдилар. 70-йилларда 1025 километр узунликдаги Чоржўй – Қўнғирот - Бейнеу темир йўлини қурилиши муҳим воқеа бўлди, бу йўл 1972 йилда фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акцидорлик темирйўл компанияси 1994 йилнинг 7 ноябрида Ўзбекистон ҳудудида жорийлашган собиқ Ўрта Осиё темир йўли негизида ташкил топган.[1]

Мустақиллик йилларида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акцидорлик компанияси ягона миллий темир йўл тизимини яратиш йўлидан бориб қатор йирик лойиҳаларни амалга оширди.

Мамлакатимиз шимолида қурилган Навоий-Учкудук-Нукус, жанубида Тошгузар-Бойсун-Қумқўғон темир йўллари транзит юқларини ташишда ва уларни манзилга ўз муддатида етказиб берилишида катта қулайлик яратмоқда.

Жорий йилнинг 22 июнь куни Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Камчик туннелининг расмий очилганига роппа-роса бир йил тўлди. Бир йил муқаддам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов ва Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси Си Сзинпин расмий очилиш маросимида иштирок этиб, «Ўзбекистон» йўловчи поездининг Камчик туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босган эди.[1]



Ангрен - Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этишдан мақсад нафақат Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатнинг бошқа худудлари ўртасида темир йул орқали юк ва йуловчи ташиш имкониятини яратиш, шу билан бирга, Хитой - Марказий Осиё - Европа янги ҳалқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиши ҳам назарда тутилган эди.


Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен - Поп темир йўлининг Камчик довонидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннель барпо этилди.

Бугунги кунда ушбу темир йўл орқали Тошкент - Андижон - Тошкент йўналишида ҳар куни замонавий тезювар йуловчи поездлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Андижон - Бухоро - Андижон йўналишида ҳафтасига иккита йўловчи поезди, ҳафтада бир маротаба Андижон-Урганч-Андижон, Андижон-Москва-Андижон йўналишларида йўловчи поездлари қатнови ташкил этилди. Бундан ташқари, бир суткада унлаб юк поезди Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли орқали ўтиб, юкларни ўз манзилига етказмоқда.

«Ўзбекистон темир йуллари» акционерлик жамияти ахборот хизматининг хабар қилишича, мазкур темир йул орқали шу кунгача 413162 нафардан ортиқ йуловчига хизмат курсатилди, 7,396 млн тонна юк ташилди. Шунингдек, 1718 та янги иш урини яратилди. [1]

Қорхона мамлакат ички ва давлатлараро йўналишларда қатновчи йўловчилар учун замонавий талабларга қараб, янги хизмат турларини таклиф этмоқда.

Янги йўналишлар очилди, замонавий вокзаллар қуриб фойдаланишга топширилди.



Призидентимиз Ташаббуси билан қатнови ташкил этилган юқори тезликда харакатланадиган “Afrosiyob” поезди бугунга келиб Ўзбекистон темир йўлчиларининг фахрига айланиб улгурди.

Бугунги кунда Ватанимизнинг барча сархатларида юк ташиш ва ортиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Айниқса жамиятнинг Тошкент филиалида иш ҳажми бошқаларига нисбатан бир неча барабар ортиқроқ. Филиал худудида дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган 20, 40 футлик контейнерлар сақланади ва манзилга жўнатилади.[2]

Темир йўл транспорти қурукликдаги энг қудратли транспорт бўлиб у қўшинлар ва юкларни катта масофадаги манзилларга оммовий ташишни амалга оширадиган транспорт воситасидир. Унинг Қуролли Кучлар учун энг катта аҳамияти шундаки, жуда катта сиғимга эга бўлган юкларни юқори тезликда ўз манзилига етказиб олиб боришидадир. Ундан ташқари темир йўл транспорти об-ҳаво танламайди, йилнинг қайси фасли бўлмасин иш фаолиятини йўқотмайди.

Темир йўл транспорти харбий қисмларни бир жойдан иккинчи жойга кўчишида жуда қулай транспорт воситаси хисобланади. Чунки ҳарбий қисм бўлинмаларини яхлитлигини сақлаган ҳолда ташишни амалга ошириш мумкун бўлади. Бунинг учун темир йўл транспорти органи темир йўл транспортининг бир қатор воситаларини ҳавола этади.

Бундай воситалар жумласига йўловчи ташиш вагонлари ва шахсий таркиб ташиш (одам ташиш) учун жиҳозланган ёпиқ вагонлар, шунингдек, ярадор ва беморларни ташиш учун мўлжалланган тиббий вагонлар, ҳамда ташилаётган

автомобиль техникаси ва бошқа турдаги техника кузовларига жойлаштирилмайдиган моддий воситаларни ташиш учун ажратиладиган ёпик вагонлар, яримвагонлар ва платформалар киради.

Ҳарбий юкларни ташиш учун темир йўл транспорти воситаларининг ҳаракатчан таркибини ҳозирлаш ишлари темир йўл транспорти органи томонидан амалга оширилади.



Темир йўл транспорт воситаси муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларни хизмат жойига ва хизматларини ўтаб бўлганидан сўнг ўз яшаш манзилларига элтиш учун ҳам фойдланилади. Ундан ташқари ҳарбий хизматчиларни хизмат сафарига чиқиб келишида, бир жойдан бошқа жойига ўз хизматини давом эттириши учун ва ундан ташқари уларни ва оила-аъзолари билан биргаликда таътилга бориб келиш учун фойдаланиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳарбий юк ва йўловчилар (ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари)ни темир йўл транспорти орқали ташиш жойлардаги ҳарбий ҳаракатлар командатураси ҳарбий хизматчилари томонидан ташкиллаштирилади.[3]

1. [www.uzrailway.uz](http://www.uzrailway.uz)

2. [www.google.ru](http://www.google.ru)

3. Qo'shirlarni temir yo'l va havo transporti vositasida tashish bo'yicha qo'llanma UR MV,2013